



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 17 yil "02" 10

№ 583

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги
“Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли
тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги
ПҚ-3290-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий тиббий таълим муассасалари ректорлари: мазкур қарорнинг 2-илоvasи билан тасдиқланган олий тиббий таълим муассасалари тасарруфига бириктирилган академик лицейларнинг мол-мулкларини комиссия иштирокида тўлиқ инвентаризациядан ўтказсин ва ўрнатилган тартибда тегишли институтлар балансига ўтказсин;

академик лицейларнинг самарали фаолият кўрсатиши, улардаги ўқитиш сифатини таъминлаш ҳамда улар моддий-техника базаси ва юқори малакали ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлиги, таълим-тарбия жараёни устидан назорат қилиниши, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши кўрсаткичларини таъминлашни шахсий назорати остига олсин.

3. Бухоро давлат тиббиёт институти ректори (А.Иноятов), Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори (А.Атаниязова), Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали қошидаги академик лицей директори (Ш.Мамутов), Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги Гиждувон 2-сон академик лицей директор (З.Абдуллаева) га:

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар қабули тўхтатилиши ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фаолияти тугатиладиган Тошкент педиатрия

тиббиёт институти Нукус филиали қошидаги академик лицей ва Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги Ғиждувон 2-сон академик лицейининг бино ва иншоотлари, ер майдонлари, туман (шаҳарлар) ҳокимликларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беришни таъминлаш;

ушбу академик лицейларнинг моддий бойликларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ҳамда уларни рўйхат асосида ҳар бир таълим муассасаси кесимида моддий жавобгар шахсларга ўрнатилган тартибда бириктириш;


моддий жавобгар шахсларнинг ўзларига бириктирилган моддий бойликларни ўрнатилган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида расмийлаштирилгунига қадар соз ҳолда сақланишини таъминлаш чораларини кўриш ва улар фаолияти бўйича шахсан масъулларни белгилаш;

маҳаллий ҳокимликлар билан бирга академик лицейларнинг ишдан бўшайдиган ходимларини белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўриш топширилсин.

4. Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси (Ў.Исмаилов) ушбу буйруқни вазирлик тасарруфидаги барча олий таълим муассасаларига етказсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Шадманов

Олий тиббий таълим муассасалари тасарруфига бириктирилган академик лицейлар

	Олий тиббий таълим муассасаси	Бириктирилган академик лицейлар
1	Тошкент тиббиёт академияси	Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей
2	Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали	Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали қошидаги академик лицей
3	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицей
4	Тошкент фармацевтика институти	Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицей
5	Тошкент давлат стоматология институти	Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицей
6	Андижон давлат тиббиёт институти	Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей
7	Бухоро давлат тиббиёт институти	Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги 1-сон академик лицей
8	Самарқанд давлат тиббиёт институти	Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-сон академик лицей